

Уйғун


ЙЎЛ  
ТУҲФАЛАРИ



Уйғун

# ЙЎЛ ТУҲФАЛАРИ

*Шеърлар*



Уз2  
У—35

У 4702570200—124 Доп. —85  
М352(04) — 85

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1985

## Эзгу ниятлар



### БАҲОР БОШЛАНДИ

Ҳадемай бошланур баҳорги ишлар,  
Ишлаймиз юқори ҳосилни чоғлаб.  
Ишга тушиб кетар марди майдонлар  
Ҳиммат камарини белига боғлаб.

Роса озиқланган, ювилган ерлар  
Етилиб турибди — хизматга тайёр!  
Ҳалол меҳнатингиз, ғайратингиздан  
Олтинга кон бўлур сахий пахтазор.

Бу йил бешйилликнинг охирги йили,  
Шаксиз шараф билан ясалар якун.  
Меҳнат, иродага, ғайратга тўлар  
Зафарга чорловчи ҳар соат, ҳар кун.

Вақтида қилинган ишнинг унуми,  
Фойдаси кўп булар, ҳаммага аён.  
Вақтинг кетса агар нақдинг кетар деб,  
Халқнинг мақолида этилган баён.

«Эртага қолдирма бугунги ишни!»  
Бу ҳам халқ яратган ҳикматли мақол.  
Мул ҳосил олмоқчи бўлсанг, вақтида  
Барча ҳунарингни ишга солиб қол!

Бу йил оби ҳаво қандай келади  
Ҳозирча номаълум, аммо, биламиз:  
Ҳар қанча машаққат учраганда ҳам  
Энгиб ўрганганмиз, илож қиламиз!

Ўтган йилги ютуқ зафарнинг боши,  
Ундан ҳам зўр бўлар бу йилги зафар.  
Меҳнат олтин қилар қора тупроқни,  
Инсон ўз бахтини меҳнатдан топар.

Зафар қозонамиз бутун соҳада,  
Улуғ халқимизнинг шаънига лойиқ.  
Тадбиркор, миришкор пахтакор дўстлар  
Халқимизга берган аҳдига содиқ.

Бу йил халқларимиз доҳий Лениннинг  
Юз ўн йиллигини қилур тантана!  
Совға буюк тўйга муносиб бўлсин!  
Биз учун муқаддас бу улуғ сана!

Ватаннинг қудрати, шуҳрати, кучи  
Ҳар бир ватандошнинг ишига боғлиқ.  
Ватан севгисини дилга жо этган  
Ватанпарварларга тилаймиз соғлиқ!

*4—6 январь, 1980 йил*

## ЯНГИ ДОВОНЛАР

Шонли партиянинг ҳар бир съезди  
Юксак бир доводир мақсад йўлида.  
Инсонлар, замини замон тақдири  
Коммунист аталган мардлар қўлида.

Халқимиз ошганда ҳар бир доводан  
Келажак яна ҳам яққол кўринур.

Эзгу йўлимизни ёритиб турар  
Коммунизм асри сочаётган нур...

Бўронлар, довуллар, қасирғалардан  
Ҳайиқмай, мардона жанг билан ўтдик.  
Музаффар йўлларда, метин қўлларда  
Ленин байрогини мустаҳкам тутдик.

Улуғ партиямиз йўлда раҳнамо,  
Тинчликсеварларнинг сафида бормиз.  
Оламнинг тинчлиги ва бахти учун  
Доим курашдамиз, кўп бахтиёрмиз!

Озод яшасин деб меҳнаткаш инсон  
Биз яксон этганмиз шоҳлар қасрини.  
Илму ҳикматимиз юксалган ҳадсиз,  
Биз бошлаб берганмиз космик асрини.

Фазода муъжиза яратган халқмиз,  
Довруқ солмоқдамиз жаҳонлар бўйлаб.  
Музаффар халқимиз меҳнатда мудом  
Келажак авлоднинг бахтини ўйлаб.

Йилимиз мазмунда асрларга тенг,  
Топган ютуғимиз улкан, беҳисоб.  
Ижодкорларимиз янги дунёнинг,  
Тарихимиз улуғ, мазмундор китоб.

Ёвларнинг таҳдиди, дағдағалари  
Бизни улуғ йўлдан қайтара олмас!  
Замонлар келади ёруғ жаҳонда  
Қасофат урушдан асар ҳам қолмас.

Маркс башорати, Ленин ғояси  
Онгларда чақнаган муқаддас чақин.  
Бизни бошлаб борар шонли партия,  
Коммунизм яқин, истиқбол яқин...

*20 октябрь, 1980 йил*

## ЯНГИ ЙИЛНИ ҚУТЛАБ...

Янги йил киради... Янги дунёнинг  
Нури жилоланур кўзларимизда.  
Олий ҳимматимиз, меҳнатимиздан  
Гулшанлар яралур бузларимизда.

Урганиб қолганмиз дадил боқишга  
Умидларга тўлиб истиқбол сари.  
Ишончимиз комил, бу гал ҳам шаксиз,  
Амалга ошади режалар бари.

Улжалар беҳисоб бешйилликларда,  
Беш аср илгари кетди улкамиз.  
Ярқираб кўрсатар қудратимизни  
Космик кемалардан кукда қолган из...

Янги бешйилликнинг вазифалари  
Муддатидан олдин этилар адо.  
Ҳам умид, ҳам имкон бағишлар бизга  
Тинчлик, деб жаҳонда янграган садо.

Шонли партиянинг доно сузлари  
Доим илҳом берар халқларимизга.  
Тарих китобидан «Улуғ Лойиҳа»  
Янги варақ очиб кўрсатар бизга.

«Улуғ Лойиҳа» да кўринар яққол  
Янги бешйилликнинг кўркам жамоли.  
Кундан-кун юксалар биз қурган дунё,  
Биз бошлаган ишнинг бўлмас заволи.

Келгуси ҳосилга замин ҳозирлаб,  
Деҳқон тиним билмас ҳаттоки қишда.  
Ғалаба қозониб урганган халқнинг  
Ақлу идроки ҳам, қули ҳам ишда.

Олти миллион тонна пахта берган йил  
Эсдан чиқармиди?.. Сира ҳам чиқмас!  
Бу йил ҳам зўр бўлур қумуш хирмонлар,  
Аҳду паймон қилса азаматлар — бас!

«Улуғ Лойиҳа»нинг ҳар сатри бир боғ,  
Ҳар сатри бир завод, ҳар сатри бир кон.  
Ҳар сатри ҳисобсиз, бойлик, молу мулк,  
Ҳар сатри кошона, гулшанга макон...

Дунёни беамак бизнинг касбимиз,  
Ҳунаримиз оро бериш жаҳонга.  
Оламини асрамак бало-қазодан,  
Азиз инсонларни тўйдирмак нонга!..

Кишилик бахтининг посбонларимиз,  
Эзгу вазиғамиз тинчликни сақлаш.  
Мақсадимиз бутун жаҳон олдида  
Инсонлик шаънини, номини оқлаш.

Янги йил кирганда янги бахт билан  
Ватандошларни ҳам қутламоқ одат.  
Азизлар, ишингиз унғидан келсин,  
Ҳамроҳингиз бўлсин эзгу саодат.

*24 декабрь, 1980 йил*

### ЯНГИ РЕЖАЛАР...

Янги йилни кутар музаффар халқим,  
Баҳорни кутгандай миришкор деҳқон.  
Янги йилда яна шод этар бизни  
Янги зафар билан қозонилган шон.

Янги йилда янги — олий режалар,  
Янги вазиғалар кутади бизни.



Азиз ватандошлар, қийинчиликлар  
Догда қолдирмаган ҳеч қачон сизни.

Режалар амалга ошади, шаксиз  
Ҳисобсиз бойликка қўшилар бойлик.  
Саҳролар гул билан қопланур яна,  
Боғу роғлар бўлар яна чиройлик.

Хирмонларга сиғмас олтин пахталар,  
Олий ҳимматимиз, меҳнатимиздан.  
Бажо келтирилур ҳамма-ҳаммаси  
Неки талаб қилса, мамлакат биздан.

Гуруч, дон, мевалар, нозу неъматлар  
Яна мўл бўлсин, деб, тушамиз ишга.  
Аҳду қароримиз қатъийдир бизнинг,  
Асло йўл қўймаймиз янги урушга.

Тинчлик, деб яшаймиз, жумлаи жаҳон  
Тинчлик қуёшининг нурига тўлсин.  
Бахтиёр халқимиз тинч, омон яшаб,  
Осмонимиз доим мусаффо бўлсин!

Олий мақсадимиз ошар амалга,  
Яна яқинлашар гузал истиқбол.  
Коммунизм нури оламни қоплар,  
Бошимизда порлар муқаддас иқбол.

Янги йилни кутар музаффар халқим  
Баҳорни кутгандай миришкор деҳқон.  
Янги йилда, шаксиз, шод этар бизни  
Янги галабалар, янги шуҳрат, шон.

*20 декабрь, 1981 йил*

## КАТТА ХИРМОН

Хушхабар тарқалди шонли зафардан:  
Олти миллион тонна муҳайё, тайёр!  
Қўлинг дард кўрмасин, отангга раҳмат  
Катта хирмон уйган азиз пахтакор!

Жавоҳирлар унди, олтин тоғ бўлди,  
Деҳқон манглайдан тукилган тердан.  
Туман бойлигимиз, ризқу рўзимиз.  
Меҳнат-ла етилди муқаддас ердан...

Табиат беомон ҳужумга ўтди:  
Ҳужум қилди совуқ, иссиқ, гармсел!  
Сувсизлик, ёмғир, қор — ҳаммаси бўлди,  
Аммо, ҳайиқмади матонатли эл.

Пахтакорлар учун бу йилги йилдай  
Оғир, машаққатли йил бўлган эмас.  
Лекин, садоқатли, баҳодир халқим  
Жангларда ҳеч қачон енгилдим демас!

Мардонавор енгиб барча тўсиқни,  
Барча машаққатни бартараф қилиб,  
Ваъдасига вафо этди халқимиз,  
Муқаддас бурчини шараф деб билиб.

Мард пахтакорларга, ҳашарчиларга  
Ҳар қанча тасанно айтилса ҳам оз!  
Пахта терган ёшу қарияларнинг  
Бу йилги меҳнати муъжиза ва соз!

Биз уйган бу ноёб, бу олтин хирмон  
Олтмиш йиллик тўйга муносиб тортиқ!  
Бу мард халқимизнинг олий ҳиммати,  
Ҳиммат бўладими бундан ҳам ортиқ?!

Бу давлатимизга қўшилган давлат,  
Бу бойлигимизга қўшилган бойлик.  
Республикаимизнинг чеҳраси, юзи  
Олтин пахта билан ғоят чиройлик!

Бу қудрат бағишлар қудратимизга,  
Бу тинчлик ишига муносиб ҳисса.  
Бу янгроқ шеъримиз, бу ноёб қўшиқ,  
Олтин хирмонлардан яралган қисса!

*1 декабрь, 1982 йил*

### ШОНЛИ РЕСПУБЛИКА МАДҲИ

Шонли республикам, тўйинг муборак!  
Қутлуғ бўлсин азиз, табаррук ёшинг!  
Йил сайин юксалдинг камолот сари,  
Эзгулик қўлдошинг, зафар йўлдошинг.

Жам қилиб кўркини олтмиш баҳорнинг,  
Ҳусну латофатга тўлган Ватансан.  
Дунёда ягона, қудратли, кўркам,  
Жаҳоннинг гултожи бўлган Ватансан.

Совет халқларининг муқаддас юрти,  
Сени ардоқлаймиз, билониҳоя.  
Сенга жило берган, сенга куч берган  
Улуғ доҳий — Ленин яратган ғоя!

Меҳнату ижоди билан халқларнинг  
Мислсиз бустонга айланган Ватан.  
Халқлар, элатларни бир жойга тўплаб,  
Қила олдинг мангу бир жону бир тан.

Олтмиш баҳорингда олтмиш минг баҳор  
Жилва кўргазмакда, навқирон, ёшсан!

Келажак уфқини мангу ёритиб,  
Оламга нур сочган сунмас қуёшсан!

Халқларнинг минг йиллик орзу, умиди  
Сенинг тимсолингда булди намоён.  
Сенинг адолатинг, сенинг қудратинг,  
Эзгу ниятларинг жаҳонга аён.

Сен меҳру муҳаббат, биродарликнинг,  
Дўстлик, қардошликнинг туганмас боғи.  
Сен жумла башарнинг истиқбол томон  
Йўлини ёритган машъал — чироғи.

Тоғдай қомат тиклаб мағрур турибсан  
Омонлик қалъаси, тинчлик қалъаси.  
Неча бор емрилган жангу жадалда,  
Сени қуршаб олган ёвлар ҳалқаси.

Сен дунёга тинчлик уругини сочдинг,  
Мурувват боғининг якто соҳиби.  
Ҳақсизликка қарши толмас курашчи,  
Эрк деган элларга нажот соҳили.

Сен ноёб бўстонсан, ун беш чаманнинг  
Ҳусну тароватин узига йиққан,  
Сен, уша, жаҳонни ҳайратга солиб,  
Шуҳрат чуққисининг учига чиққан.

Дарёйи азимсан, ун беш ирмоқнинг  
Тиниқ зилолидан пурвиқор жўшган.  
Буюк Республика, она-Ватансан,  
Эллар, элатларнинг бошини қўшган.

Жангда доим ғолиб, меҳнатда моҳир,  
Фазлу камолотга, ҳикматга бойсан.  
Халқ севгиси билан вояга етган  
Қиёси йўқ, гузал, тенгсиз чиройсан.

Осмон узоқ эмас, энди кўп яқин,  
Космик кемаларинг парвозда ҳамон.  
Доно, донишмандлар, ботирлар юрти  
Сенинг измишдадир замин у замон!

Биз учун иккинчи она тил бўлди  
Улуғ руснинг буюк, забардаст тили.  
Рус тили туфайли бўлди яқинроқ  
Халқларнинг юраги, элларнинг дили.

Жонажон Москва, пойтахтимга  
Ҳавас билан боқар оламнинг кўзи.  
Сенга илҳом берар, қудрат бағишлар  
Шонли партиянинг муқаддас сузи!

Шонли республикам, буюк Ватаним,  
Қутлуғ бўлсин азиз, табаррук ёшинг!  
Тоабод омон бул халқлар бахтига,  
Ҳеч қачон сўнмасин нурли қуёшинг!

*8 декабрь, 1982 йил*

### **ТУЙ МУБОРАК!**

Туй муборак, азиз республикамиз!  
Сенга бахт тилаймиз, тилаймиз омад!  
Юртимиз тинч, омон, фаровон бўлсин,  
Халқимиз доимо бўлсин саломат!

Сенинг севгинг билан яшаймиз мудом,  
Сен бизнинг фахримиз, шараф-шонимиз.  
Сен бизнинг абадий саодатимиз,  
Сен билан ободдир хонадонимиз.

Ўз бахтини топган эллар, элатлар  
Улуғ партиядан доим миннатдор.

Сендай буюк Ватан бағрида усган,  
Яшаган инсонлар озод, бахтиёр.

Тинчлик, саломатлик, эзгулик юрти  
Халқлар камол топди гул қучоғингда.  
Ўзбекистон бири — ўн беш чаманнинг,  
Яшнаган, гуллаган сенинг боғингда!

Ватан севгисидан улуг севги йуқ,  
Ватанини севар ҳақиқий инсон.  
Шону шарафларнинг энг эзгусидир  
Ватан хизматида қозонилган шон.

~~Севр~~ — жаҳонга нур сочган қуёш!  
~~Севр~~ — элларнинг шонли Ватани.  
~~Севр~~ — онадир қардош халқларга,  
Озодлик, тинчликнинг сулмас чамани.

~~Севр~~ — саодат берди элларга,  
Москва бахтимиз, пойтахтимиз.  
Уни сақлагаймиз кўз қорасидай,  
Ватанни тоабат севиш — аҳдимиз.

Жиловини тортиб зуравонларнинг  
Эрк деган халқларга чўзар қўлини.  
Ёруғ юлдуз булиб башариятга  
Кўрсатиб туради иқбол йўлини.

Нурли келажакка бошлайди бизни  
Шонли партиянинг эзгу ғояси.  
Ҳеч қачон тушмасин Ватан бошига  
Қасофат урушнинг машъум сояси!

Ватан саодати йўлида халқлар  
Буюк иншоотлар қуриш билан банд.  
Коммунизм сари бормоқда халқим,  
Ленин байроғини кўтариб баланд!

29 ноябрь — 12 декабрь, 1982

## ТОШКЕНТ МАДҲИЯСИ

Озод ўлкамизнинг шавкат ва шони Тошкент,  
Аллома халқимизнинг иқболи, жони Тошкент.

Тарихда номи машҳур, жангу жадалда ғолиб,  
Доим зафар қозонган мардлар макони Тошкент.

Қўйнида кеча-кундуз порлар Ильич чироғи,  
Нури билан нурафшон айлар самони Тошкент.

Республикамга лойиқ шавкатли пойтахтим,  
Ҳур, бахтиёр элимнинг жону жаҳони Тошкент.

Бағрида ўсган яшнаб санъат, ҳунар, саноат,  
Фазлу камолу илму донишни кони Тошкент.

Бошдин оёғи гулшан, гулзору боғу бўстон,  
Боғларга берган оро, боғлар боғбони Тошкент.

Кўркам, баланд бинолар, гўзал, олий саройлар,  
Кўк тоқига чўзиб бўй ўсар ҳар они Тошкент.

Келса саёҳат айлаб дўстлар узоқ-яқиндан  
Хурсанд бўлур уларни кўрган замони Тошкент.

Боғбону ишчи, деҳқон, олим, қурувчи, меъмор  
Ижодидан яшарган дўстлик бўстони Тошкент.

Тинчлик ишига содиқ, эллар билан иноқ, дўст,  
Аҳдини бузмагай ҳеч тинчлик қўргони Тошкент

Ленин даҳосидандир топган қамоли, шони  
Ҳур, бахтиёр элимнинг жону жаҳони Тошкент.

*5 апрель, 1983 йил*

## ХУШҲАБАР КЕЛДИ

Этиб хурсанд Бухородан ажойиб хушхабар келди,  
Солиб ҳайратга оламини Бухорога зафар келди.